

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил июнь ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг биносида очик суд мажлиси бўлиб, суд раиси Н.Абдуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Яхёевнинг котиблигида, тарафлардан Яккабоғ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рахимов, судланувчи XXX ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Норчаев, судланувчи XXX ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Узақов, жабрланувчи У.ХХХа ва унинг вакили-адвокат А.Жавлиевнинг иштирокида, судланувчи XXX ва XXXга оид 1-1804-2501/63-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXX, 2006 йил 15 апрелда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, турмушга чиқмаган, муқаддам Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг 2022 йил 24 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ЖК 84¹-моддаси қўлланиб, 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ушбу суднинг 2022 йил 13 июндаги ажрими билан, ўталмай қолган 4 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосидан ЖК 89-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Яккабоғ тумани “Наврўз” МФЙ Наврўз қишлоғида яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 22 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

XXX, 1998 йил 2 июлда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, уй бекаси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Яккабоғ тумани “Совуқбулоқ” МФЙ Совуқбулоқ қишлоғида яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 22 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича муҳокама қилиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи XXX ва XXX ўзаро бошқа шахс билан тил бириктирган ҳолда бир гуруҳга бирлашиб, аввалдан ўйланган жиноий режа асосида фаол ҳаракат қилишиб, 2024 йил 1 декабрь куни соат 13ларда ўзганинг мулкини яширин равишда эгаллаш мақсадида Яккабоғ тумани “Совуқбулоқ” МФЙ Жавоғи қишлоғи 272-сонли уйда яшовчи XXXнинг яшаш уйига ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ғайриқонуний равишда киришиб, яшаш хонадони айвон қисмида бўлган сандиқ ичидан XXXга тегишли 3000 АҚШ доллари (1 АҚШ доллари - 12.865 минг сўм), 30.000 рубл (1000 рубл-116.730), баҳоси 36.700.000 сўм бўлган тилла тақинчоқлар ва 25.000.000 сўм пулларни жами 103.796.900 сўмлик анча миқдоридаги мол-мулкини талон-торож қилганлар.



Судланувчи XXX суд мажлисида, айбловга қисман иқрорлик билдириб, 2024 йил 1 декабрь куни янгаси XXX қўнғироқ қилиб, “тезроқ яшаш хонадонимга келинг” деб айтгани, шунда у XXXга қўнғироқ қилиб “жияним XXX туманидаги паркка XXXни олиб бориб ўйнатиб келамиз” деб айтиб, у билан бирга XXX шахрига кетаётган вақтида янгаси XXX телефон қилиб, олдига чақиргани, шунда XXXга Совуқбулоқ МФЙга олиб боришини, XXX янгаси чақираётганини айтгани, шу тариқа улар биргаликда XXX янгасининг олдига боргани, кейин улар XXXнинг автомашинасида “Совуқбулоқ” МФЙдаги бобоси XXXнинг яшаш хонадони жойлашган кўча бошига боришгани, XXX автомашинадан тушиб, дарвозага кириш калитини излагани, аммо калитни топа олмагач, унга “энди сиз уларни яшаш хонадонгизга меҳмонга чақирасиз” деб айтгани, шунда улар автомашинага ўтиришгани ва XXX XXXдан “девордан оша оласизми, фарзандларимни кийимини олишим керак эди” деб илтимос қилгани, XXX унга девордан ошиб, орқа эшикни очиш йўлини тушунтиргани, шунда учаласи автомашинадан тушиб, бобоси XXXнинг яшаш хонадони олдига боришгани, XXX ўғирлик ҳақида билмагани, XXX девор орқали ичкарига кириб, эшикни очгани, шу тариқа иккинчи эшик орқали ҳовлига киришгани, яшаш хонадонининг айвонига кириб, сандикни очолмагани, кейин савдо дўконига бориб, кулф сотиб олишгани ва яна ҳовлига қайтишгани, XXX автомашинасидан уларни тушириб, ўзи кўча бошида қолгани, сўнгра унинг ўзи янгаси XXX билан бобоси XXXнинг яшаш хонадони айвонига кириб, сандик устидаги кўрпачаларни тушириб, калит билан сандикнинг кулфини очишга ҳаракат қилишгани, аммо сандикнинг кулфи очилмагани, шунда янгаси XXX кулфни бузиш кераклигини айтиб, молоток ёрдамида сандик кулфини уриб очишгани, сандик ичидан бир неча кути ва қора салафан пакетдан пул чиққани, ҳаммасини XXX олгани, кейин сандик устига кўрпачаларни тахлаб, бу ердан чиқиб кетишгани, кейин XXX XXXга 200.000 сўм бериб, “бу бизни автомашинада олиб бориб келганингиз ҳақи” деб айтгани, унинг ўзига эса 4.000.000 сўм бергани, XXX берган 4.000.000 сўмни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборгани, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, суддан қонуний енгилик беришни сўради.

Судланувчи XXX суд мажлисида, айбловга қисман иқрорлик билдириб, XXX XXX қайнотаси бўлиши, 2017 йил 24 декабрда қишлоқдоши XXX XXX билан турмуш куриб, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлиги, XXX XXX билан рўзғорда етишмовчиликлар сабабли тез-тез жанжаллашиб қолишгани, кейин ота уйига қайтиб кетгани, 2024 йил 1 декабрь куни соат 13ларда ота уйига оқ спаркда XXX ва XXX биргаликда келишгани, XXX билан суҳбатлашиб, суҳбат орасида унга “XXX тоғам уйланыпти, сиз уйда ўтираверинг, улар қиз қидиришяпти, Муҳаббат холаминикига қиз қидиргани кетишди” деб айтгани, бу гаплардан жаҳли чиққани, шунда XXX унга “тоғамнинг пули кўп экан-да, қиз қидириб яна уйланыпти, юринг ундан кўра шу уйга ўғирликка тушиб, пулларни олиб чиқамиз” деб айтгани, турмуш ўртоғи моддий жиҳатдан таъминламаган, фарзандлари ҳам касал бўлишса, уларни уйдагилари ўз ҳисобидан дори-дармон олиб бериб, даволатиши, турмуш ўртоғи миниб юрган “Нексия-2” русумли автомашинани сотиб олишида оила аъзоларим ҳам пул қўшганлиги ҳақида ўйлагани, XXX унга “янга XXX акамни пули бор, ўша пулни олиб қўйсак, тоғам уйлана олмайди, болаларингиз етим қолмайди” деб айтгани, турмуш ўртоғи 2024 йилнинг ноябрь ойи бошларида 1 бош сигирни сотгани, аммо ушбу сигирнинг пули қаерда эканлигини билмагани, шундан кейин шу куни соат 13:30ларда XXX



билан кўчага чиққанида, автомашина бошқарувида ХХХ борлигини кўргани, ХХХ автомашинани бошқариб, қайнотаси ХХХнинг яшаш хонадонидан тахминан 100 метр узоқликда автомашинани тўхтатгани ва автомашина рақамини ечгани, дарвоза кулфланган ҳолатда бўлгани, ХХХ яшаш хонадонга кириш эшиги олдида бориб, шу атрофда жойлашган деразини синдириб, дераза орқали яшаш хонадонга кириб, эшикни очиб бергани, шу тариқа ХХХ билан биргаликда ичкарига кириб, айвонда турган сандикни устидаги кўрпачаларни туширишгани, аммо сандик кулфланган ҳолатда бўлгани, ХХХ омборхонадан молотокни олиб чиқиб, осма кулфга уриб, кулфни синдиргани ва сандикни очгани, шунда сандик ичидан селлафан пакетда АҚШ доллари, сўм, рубл, 2 та узук ва 1 жуфт сирға борлигини гувоҳи бўлишгани, пакетни олиб, сандикни ёпиб қайта кулфлашгани, кейин ХХХнинг бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинасида қайтишгани, йўл-йўлакай ХХХга 7.000.000 сўм, ХХХга 200.000 сўм бериб, автомашинадан тушиб қолгани, пакетдан 200 АҚШ доллари олиб, бозор ичида ўтирган, ўзига нотаниш бўлган эркак орқали пулларни сўмга алмаштиргани ва савдо дўконига кириб, “Infiniks” русумли телефон аппаратини 1.300.000 сўмга сотиб олгани, қолган пулларга Яккабоғ тумани бозори ҳудудидан болалари учун керакли нарсаларни олиб, яшаш хонадонига қайтгани, пулларни ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб юборгани, 2024 йил 4 декабрь куни турмуш ўртоғи уни Совукбулоқ МФЙ профилактика инспектори олдида олиб келгани ва ўғирлик ҳолати ҳақида сўраганида, бўлиб ўтган ҳолатни батафсил айтиб бергани, ҳолат юзасидан Яккабоғ туман ИИБ биносига тушунтириш хати ёзган вақтида 1 дона “Infiniks” русумли телефон аппарати, 200 АҚШ доллари ва 12.200.000 сўм пулларни қайтариб бергани, қолган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, ўғирлик жиноятини ХХХ, ХХХ билан биргаликда содир этгани, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи У.ХХХга суд мажлисида, ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Гагарин туманида жойлашган “Ибн Абе” номли кафеда иш бошқарувчи вазифасида ишлаб келиши, 2024 йил ноябрь ойининг охирида яшаш хонадонига 400 АҚШ доллари олиб келгани, шу куни укаси ХХХга ХХХ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш нияти борлигини айтгани, унга бизнес қилиши учун пул беришини, аммо пулларни 2025 йилнинг март ойига қадар қайтариб беришини таъкидлагани, онаси М.ХХХга билан бирга яшаш хонадонига жойлашган сандикни ичидаги пулларни санаганида 3.000 АҚШ доллари, 25.000.000 сўм, 30 та рубл, 1 та браслет, 1 дона сепочка, 4 дона узук ва 1 жуфт зирак борлигини кўргани, пулларни санаб, селлафан пакетга солиб, тиллалари билан бирга сандик ичига солиб қўйгани, 2024 йил 2 декабрь куни соат 12ларда пулига яна 400 АҚШ доллари қўшиб қўйиш мақсадида онасининг яшаш хонадонига келганида, сандикни ичидаги нарсалар бетартиб турганлиги ва йиғиб юрган пуллари ва тилла тақинчоқлари жойида йўқлигини гувоҳи бўлгани, дарҳол Қашқадарё вилояти ИИБнинг 102 рақамига хабар беришгани, кейинчалик пуллар ва тилла-тақинчоқларни укаси М.ХХХнинг турмуш ўртоғи ХХХ, жияни ХХХ ва ХХХ исмли йигит томонидан ўғирланганлигини билгани, воқеа содир бўлган куни яшаш хонадонидан 3.000 АҚШ доллари, 25.000.000 сўм, 30.000 рубл, 36.700.000 сўмлик тилла-тақинчоқлари йўқолгани, иш бўйича зарар ўрни тўлиқ қопланмаган бўлса-да, дастлабки тергов ҳаракатлари давомида ХХХнинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо берилмасдан, унинг жинояти ёпилгани, ишнинг унга оид қисми асоссиз равишда тугатилганлиги, ҳозирги



кунда у Россия Федерациясида жўнаб кетганлиги учун сўроқ қилиш имкони бўлмаганлиги, суддан айбдорларга нисбатан қонуний чора кўриб, ўзига етказилган моддий зарарни тўлиқ ундириб беришни сўради.

Гувоҳ М.ХХХ суд мажлисида, судланувчи ХХХ ХХХ турмуш ўртоғи, Фармонова Шахзода жияни, жабрланувчи ХХХа Уйтула опаси бўлиши, 2017 йил 24 декабрь куни ХХХ ХХХ билан турмуш қуриб, ўзаро турмушлари давомида 3 нафар фарзандли бўлишгани, 2024 йилнинг март ойида турмуш ўртоғи ХХХ билан Яккабоғ тумани Мусқтақиллик МФЙдаги участкага яшашни бошлагани, 2024 йил 29 ноябрь куни турмуш ўртоғи ХХХ фарзандлари билан Совуқбулоқ МФЙдаги қизлик уйига меҳмонга келгани, 2024 йил 1 декабрь куни соат 11ларда “Совуқбулоқ” МФЙдаги ота-онам яшайдиган хонадонига Яккабоғ тумани, “Кенгузар” МФЙда яшовчи катта опаси ХХХа Мухаббатнинг турмуш ўртоғи Жасур ака Россия Федерациясида ишлаб, яшаш хонадонига қайтганлиги муносабати билан ўтказилган базмда катнашгани, уйда ҳеч ким қолмаганлиги сабабли мазкур хонадонга кираверишдаги асосий дарвозани кўча тарафдан қулфлагани, соат 15ларда ота-онаси билан яшаш хонадонига қайтиб келишгани, шу куни соат 1ларда ишларини тугатиб, Мустақиллик МФЙда турар жойига келгани, 2024 йилнинг 2 декабрь куни соат 16ларда онаси М.ХХХа қўнғироқ қилиб, қаердалигини сўраб, “тез бу ерга етиб кел” деб айтгани, уйига етиб келганида, айвонда турган сандиқ ичидан унга тегишли бўлган 3.000 АҚШ доллари, 30.000 рубл, 25.000.000 сўм пуллар ва тилла-такинчоқлар йўқолганлиги ҳақида айтишгани, яшаш хонадонини кўздан кечирганида дераза ойнаси синганлигини кўргани, кейин яшаш хонадонига борганида, турмуш ўртоғи ХХХ ХХХнинг қўлида янги телефон аппарати борлигини кўргани, 2024 йил 3 декабрь куни Совуқбулоқ МФЙ идорасида профилактика инспектори турмуш ўртоғи ХХХ ХХХ билан ҳолат юзасидан суҳбат жараёнида, Фармонова Шахзода ва Қувонч Ибодуллаев билан биргаликда ўғирлик қилганлиги ҳақида айтгани, ХХХ турмуш ўртоғим бўлганлиги, Шахзода жияним бўлганлиги, оилам бузилмаслигини учун дастлаб мурожаат қилмасликка қарор қилгани, бироқ ХХХни яшаш хонадонига борганидан кейин уни топа олмагач, опаси У.ХХХанинг пулини қайтариш учун Қашқадарё вилояти ИИБнинг 102 рақамига хабар бергани, 2024 йилнинг октябрь ойининг бошларида 1 бош сигирни сотиб, “Мустақиллик” МФЙдаги яшаш хонадонини сўраб қилдиргани ҳақида кўрсатув берди.

Гарчанд судланувчилар ХХХ ва ХХХлар айбловга қисман иқрорлик билдириб, айбловга қўйилган 104.295.000 сўмлик талон-торож қилинган мулкнинг қийматига шубҳа қилиб, эътироз билдиришган бўлишса-да, уларнинг ушбу ҳукмда кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилгани, ўзларининг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, М.ХХХнинг аризаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотожадваллар, юзлаштириш баённомаси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, фотожадвал ва ҳодиса жойи тасвирланган диск, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари сингари жиноят иши бўйича тўпланган объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Дастлабки тергов органи судланувчи ХХХ ва ХХХнинг ўғрилиқ, яъни ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилишдан иборат ҳаракатларини тўғри аниқлаган ва ХХХнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан тўғри



малакалаган бўлса-да, бироқ иш ҳолатини ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганмасдан ХХХнинг судланганлиги муддати ўтиб кетганлигини инобатга олмасдан, такроран ўғирлик жиноятини содир этган деб баҳолаб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилган.

Хусусан, ХХХ Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг 2022 йил 24 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ЖК 84¹-моддаси қўлланиб, 6 ой озодликни чеклаш жазосига судланган бўлиб, ушбу суднинг 2022 йил 13 июндаги ажрими билан, ўталмай қолган 4 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосидан ЖК 89-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 32-моддасининг 2-қисмида, агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги;

78-моддасининг “г” бандида, озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин икки йил ўтгач судланганлик ҳолати тугалланиши қатъий белгиланган.

Иш ҳолатига кўра, ХХХ 2022 йил 13 июнда суднинг ажрими асосида озодликни чеклаш жазосини ўташдан озод қилинган бўлиб, орадан икки йил ўтиб, яъни 2024 йил 13 июнда унинг судланганлиги ҳолати тугаган.

Ҳозирги шарҳланаётган жиноятини у 2024 йил 1 декабрда, яъни судланганлиги муддати ўтиб бўлиб, орадан 6 ойдан кейин содир этган бўлиб, бундай ҳолатда уни такроран ўғирлик жиноятини содир этган деб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 77-моддасига мувофиқ, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Ушбу асосларга кўра, суд ХХХнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан шу модда 2-қисмининг “б,в,г” бандларига қайта квалификация қилишни, унинг айби зиммасидан хавфли рецидивист белгисини чиқаришни лозим топди.

Бундан ташқари, жабрланувчи У.ХХХа ва унинг вакили-адвокат А.Жавлиев мазкур иш бўйича зарар ўрни копланмаган бир вазиятда, жиноят ишининг Ибодуллаев Кувонч Неъмат ўғлига нисбатан бўлган қисми асосиз равишда тугатилганлиги, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминлангани ҳақида важ келтиришди.

Аникланишича, Яккабоғ туман ИИБ ҳузуридаги ТБнинг 2025 йил 3 февралдаги қарорига кўра, Ибодуллаев Кувонч Неъмат ўғлининг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлса-да, ёзма аризасига асосан ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан айблилиги тўғрисидаги масаласи ҳал қилинмасдан туриб тугатилган.

Айбловда, ХХХ жиноий шериклари ХХХ ва ХХХ билан бир гуруҳга бирлашиб, жиноий тил бириктириб, мазкур ўғирлик жиноятини содир этишгани кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 19-бандида, суд ҳукмининг тавсиф қисмида ушбу ишда муҳокама қилинмаётган шахс (шахслар)нинг жиноятдаги иштирокини кўрсатишга ҳақли эмаслиги, бундай ҳолларда ҳукмда судланувчи томонидан жиноят бошқа шахс иштирокида унинг исми, фамилияси ва шахсига оид бошқа маълумотлар кўрсатилмасдан, содир этилганлиги қайд қилиб ўтилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.



Тергов органи, ушбу Пленум қарори тушунтиришларига риоя этмасдан, ишда муҳокама қилинмаётган Ибодуллаев Қувонч Неъмат ўғлининг жиноятда иштирокини исми фамилиясини кўрсатган ҳолда қайд этиб, хатога йўл қўйганлиги сабабли, суд айбловга тузатиш киритиб, ХХХ жиноий шериклари ХХХ ва бошқа шахс билан бир гуруҳга бирлашиб, жиноий тил бириктириб, мазкур ўғрилиқ жиноятини содир этишгани ҳақида аниқлик киритишни лозим топди.

Шунингдек, жабрланувчи У.ХХХга тергов органининг қабул қилган қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки тегишли прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлигини тушунтириш лозим бўлади.

Шунингдек, зарар миқдорини ҳисоблашда бироз хатога йўл қўйилганлиги сабабли, У.ХХХга жами 103.796.900 сўм миқдорида зарар етказилгани ҳақида аниқлик киритиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”-деб кўрсатилган тушунтиришларига амал қилиб, суд ХХХга жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқроор ва пушаймонлигини, афсусдалигини, қарамоғида вояга етмаган 1 нафар фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғаразли ниятда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унинг аёллигини, судланганлиги тугалланганлигини, фарзанди ҳали ёш бўлиб, онасининг қарамоғига муҳтожлигини, оилавий ва моддий аҳволи оғирлигини, шу билан бир қаторда жабрланувчининг даъвоси борлигини, етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланмаганлигини инобатга олиб, жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деган хулосага келиб, айбли деб топилаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазо ижросини назорат қилишни Яккабоғ туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатишни, жазони ўташ муддатини унинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблашни, эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи ХХХга жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқроор ва пушаймонлигини, афсусдалигини, қарамоғида вояга етмаган 3 нафар фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғаразли ниятда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унинг аёллигини, илгари судланмаганлигини, фарзандлари 3, 4 ва 6



ёшда бўлиб, унинг қармоғига муҳтожлигини, 2-чи фарзанди ХХХева Солиҳа ХХХ кизи бош миясидаги оғир жароҳати туфайли доимий равишда парваришга муҳтож эканлиги, оилавий шароити ва моддий аҳволи оғирлигини, Яккабоғ туман “Совуқбулоқ” МФЙ раисининг илтимосномасини, шу билан бир қаторда жабрланувчининг даъвоси борлигини, етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланмаганлигини инобатга олиб, жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деган хулосага келиб, айбли деб топилаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазо ижросини назорат қилишни Яккабоғ туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатишни, жазони ўташ муддатини унинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблашни, эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд ашёвий далил ва жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш масаласини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди:

Иш бўйича АТБ “Агробанк” Яккабоғ туман филиалига вақтинча топширилган 200 АҚШ доллари ва 12.200.000 сўм пул маблағини жабрланувчи У.ХХХанинг фойдасига ўтказиб, етказилган зарарни қоплашга қаратишни, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш учун, Қашқадарё вилоят ИИБнинг “INVEST FINANCE BANK” АЖ Қашқадарё вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 4.000.000 сўмни жабрланувчи У.ХХХанинг фойдасига ўтказиб, етказилган зарарни қоплатишга қаратишни ва ундирилмасдан қолган 85.522.000 сўм моддий зарарни судланувчилар ХХХ ва ХХХдан солидар тартибда жабрланувчи фойдасига ундиришни, шунингдек ХХХдан тегишли тартибда расмийлаштириб олинган телефон аппаратини ҳам келгусида иш бўйича етказилган зарарни қоплашга қаратишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463-468, 471-473-моддаларига қўлланиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли топилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойи бўйича Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкумнинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ХХХга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли топилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари билан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойи бўйича Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкумнинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган кундан бошлаб ҳисоблансин.

XXXга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил – АТБ “Агробанк” Яккабоғ туман филиалига топширилган 200 АҚШ доллари ва 12.200.000 сўм пул маблағи жабрланувчи У.ХХХга етказилган зарарни қоплашга қаратилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш учун, Қашқадарё вилоят ИИБнинг “INVEST FINANSE BANK” АЖ Қашқадарё вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 4.000.000 сўм жабрланувчи У.ХХХга етказилган зарарни қоплатишга қаратилсин.

Судланувчилар ХХХ ва ХХХдан солидар тартибда жабрланувчи У.ХХХга фойдасига 85.023.900 сўм зарар ундирилсин.

Ашёвий далил - ХХХдан тегишли тартибда расмийлаштириб олинган, бозор баҳоси 1.300.000 сўмлик телефон аппарати етказилган зарарни қоплашга қаратилсин.

Ҳукмдан норози томонлар, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Абдуллаев

